Ш А Р Т Н О М А №19

Каттакургон туман «05» сентиябр 2022 й.

**«MIRAQAS»X/K,** кейинги уринларда "сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи **Рустамова Т.Я** номи бир томондан, **Каттақўрғон тумани йўллардан фойдалниш унитар корхонаси** кейинги уринларда "сотиб олувчи" деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи **Рустамова Я** номи иккинчи томондан мазкур шартномани туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар (маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни кабул килиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. товарларнинг номи,микдори, сифати ва нархи ,мазкур шартноманинг ажралмас кисми булган жадвалга мувофик аникланади.

| № | Товар (махсулотларининг) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Мелкозернистая асфальтобетонная смесь | тн | 478 | 626520 | 299 476 560 |
| **ЖАМИ** | | | | | **299 476 560** |

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **299 476 560** (Икки юз туқсон туққиз минг турт юз ётмиш олти минг беш юз олтиш ) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинадиган товар (махсулот) учун олдиндан тулов миқдори 30 % ни ташкил килади.

2.3. Тўлов шакли накд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Таъминотчи товарларни уз вактида белгиланган стандартларга ва амалдаги конунчиликка асосан таъминланиши бажарилиши юзасидан жавоб бериш: товар етказиб берувчи ва товар харид килувчи бюджет ташкилоти Узбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг хар ойда такдим килинадиган товар махсулотлари нархи асосида сотиш ва харид килишга келишилди.

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

## 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1 Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:
5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида , тез бузиладиган товарлар буйича эса-10 % микдорида жарима тўлайди.
5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати ,ассортимент ива нови лозим даражада булмаган товарлар кийматининг , шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.
5.4. Товар ҳакини ўз вактида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортик булмаган микдорда пена тулайди.
5.5 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 % микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар бахосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.
5.6. Шартномани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.
5.7 . Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар махсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан копланади.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил «05» сентиябрдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.
6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда. Форс-Мажор холатларида

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан Иктисодий суди тартибида ҳал қилинади
7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда Иктисодий судида хал қилинади.

## 8.ФОРС – МАЖОР

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий офатлар,ноқулай об-хаво шароити,хукумат тадбирлари, хокимият органларининг қарорлари, харбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажирилмаган ёки лозим даражада бажарилмагмнлиги исботланса жавобгар булмайди.
8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субьектлари фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисидаги” ги конуни ва Узбекистон Республикасининг бошка амалдаги конунлари талаблари буйича жавобгар булади.

## 9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

9.2 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.
9.3 Ушбу шартнома 2022 йил «05» сентиябрдан 2022 йил «31» декабргача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзолангандан сунг конуний кучга киради.
9.4. Мазкур шартномага киритиладиган барча узгаришлар ва кушимчалар ёзма шаклда тузилиши ва тарафлар томонидан имзоланиши керак.
9.5. Мазкур шартноманинг бекор килинишига, тухтатилишига асос амалдаги конунчиликка мувофик белгиланади.
9.6. Мазкур шартнома хар бир тарафга битта нусхадан, жами икки нусхада тузилади.

**Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:**

| «Ижрочи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| **«MIRAQAS»X/K**<br>Адрес: Каттакурганский р-н,р/с:20208000301072589001<br>в Савдогар Банк Иштихон Фил<br>МФО:00311, ИНН 202143266<br>ОКЭД 42110<br>Тел:93-357-57-77 | **КаттакургонТЙФУК**<br>Каттакурганский р-н,село Муллакурпа<br>р/с: 4700108601821570451931180 01<br>Тошкент шахар Марказий банк ҲККМ<br>МФО: 00014, ИНН: 200747393<br>ОКЭД: 42110<br>Тел: +99899-593-46-55 |
| **Директор**<br>**Рустамов Т Я .**__________ | **Директор**<br>**Рустамов Я.** __________<br>**Юрист:**<br>**Пирназаров Н.** __________ |

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 140760 на приобретение Асфалт сотиб олиш

Способ проведения электронный

Дата 29.08.2022

Время рассмотрения 29.08.2022 22:08

Конкурсная комиссия Каттакургон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ACHILOV IBROXIM FARXODOVICH | Бош мухандис | Каттақўрғон туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси |
| **Секретарь комиссии** | AZIZOV DOSTON | Ходим | Каттақўрғон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси |
| **Член комиссии** | UMIROV NEMAT XASANOVICH | механик | Член комиссий |
| **Член комиссии** | BURIYEV BOXODIR KAMOLIDDIN O‘G‘LI | ходим | Каттақўрғон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси |
| **Член комиссии** | SAG‘DULLAYEV MA’RUFJON MUSTAFO O‘G‘LI | Ходим | Каттақўрғон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси |
| **Член комиссии** | XALILOV JAVLON AXMATOVICH | Ходим | Каттақўрғон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 29.08.2022 года № лота 140760.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 5

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Асфальт** |
|---|---|
| Подробное описание | Асфалт сотиб олиш |
| Количество товара | 478.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 626 522.00 |
| Стартовая сумма | 299 477 516.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Корхонанинг балансида ёки корхона раҳбарининг номида бўлган техникаларнинг мавжудлиги бўйича баҳолаш. Ушбу талабга таклифни баҳолашда техникаларнинг техпаспорти ва рақами кўрсатилган расмлари скриншот, jpg, jpeg формат усулида ёки ушбу усулларни ўз ичига олган pdf ёки “word” шаклида илова қилиниши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Асфальт маҳсулоти ташувчи техникаларнинг ҳар бирига шартли 2 балл. Таклиф тўпланган жами шартли

балл натижаси билан таққослаш усулида 5 баллик тизимда баҳоланади.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **МИРОКАС Х/Ф** | 5 | Талаб қилинган хужжатлар илова қилинади | 5 | Экспертная | | |
| **ООО MAHAMMADKARIM ZIYO SERVIS** | 5 | Талаб қилинган хужжатлар илова қилинади | 2.5 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танлов иштирокчиси томонидан олиб келинадиган асфальт маҳсулотининг сифат кўрсаткичларини аниқлаштириш учун Каттақўрғон туман ЙФУК мутахассиси хулоса маълумотини олиш.

Тип: Текстовое значение

Описание: Хулоса ижобий бўлса ушбу талаб учун таклифга 45 балл берилади

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **МИРОКАС Х/Ф** | 45 | Талаб қилинган хужжатлар илова қилинади | 45 | Экспертная | | |
| **ООО MAHAMMADKARIM ZIYO SERVIS** | 45 | Талаб қилинган хужжатлар илова қилинади | 0 | Экспертная | | |

Критерий №3 2021й ва 2022й 31 июл ҳолатига бажарилган ишлар ва сотилган маҳсулотларга нисбатан тўланган жами солиқ тўловларининг улуши бўйича баҳолаш. Кўрсатилган муддатлар учун банкнинг барча ҳисобрақамларидаги айланма маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумоти (маъл-да операция бўлган сана, пул келиб тушган ташкилот ва пул чиқиб кетган ташкилотнинг реквизитлари, оборот дебет ва кредит сумма ҳамда тўлов мақсади бўлиши шарт.Ҳар бир варағига банк ўз муҳри ёки штампи,имзоси билан тасдиқлаб бериши шарт) ҳамда кўрсатилган даврлардаги тўлиқ “pdf” шаклидаги штрихли солиқ солиштирма далолатномалари тақдим этилиши

Тип: Текстовое значение

Описание: Улуш юқорилигига қараб балл(15) берилади.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **МИРОКАС Х/Ф** | 15 | Талаб қилинган хужжатлар илова қилинади | 15 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО MAHAMMADKARIM ZIYO SERVIS** | 15 | Талаб қилинган хужжатлар илова қилинади | 7.38 | Экспертная | | |

Критерий №4 2020-2021-йиллар ва 2022й 31 июл ҳолатига корхона томонидан бажарилган иш ва сотилган товарларнинг солиқдан яширилмаганлиги бўйича баҳолаш. Ушбуни аниқлаш учун кўрсатилган муддат бўйича " soliqservis.uz" дастуридан олинган икки томонлама электрон тасдиқланган штрих коди мавжуд барча фактураларнинг номма-ном "pdf" шаклидаги рўйхати тақдим қилиниши шарт.

Тип: Текстовое значение

Описание: Агар бир миллион сўмдан ортиқ бажарилган иш ва сотилган товарлар солиқдан яширилган бўлса 0 балл берилади, агар яширилмаган бўлса 20 балл берилади.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **МИРОКАС Х/Ф** | 20 | Талаб қилинган хужжатлар илова қилинади | 20 | Экспертная | | |
| **ООО MAHAMMADKARIM ZIYO SERVIS** | 20 | Талаб қилинган хужжатлар илова қилинади | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **МИРОКАС Х/Ф** | 299 477 516.00 | 299 476 560.00 UZS | 299 476 560.00 | 00.00 | 299 476 560.00 | 26.08.2022 15:57:53 | 15.00 |
| **ООО MAHAMMADKARIM ZIYO SERVIS** | 299 477 516.00 | 299 380 960.00 UZS | 299 380 960.00 | 00.00 | 299 380 960.00 | 26.08.2022 16:03:45 | 15.00 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **МИРОКАС Х/Ф** | 85 | 15 | 100 |
| **ООО MAHAMMADKARIM ZIYO SERVIS** | 29.88005 | 15 | 44.88005 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 140760 от 29.08.2022 года на приобретение Асфалт сотиб олиш определила победителем:

МИРОКАС Х/Ф
202143266

и резервный исполнитель: ООО MAHAMMADKARIM ZIYO SERVIS (308440222)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ACHILOV IBROXIM FARXODOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | UMIROV NEMAT XASANOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | BURIYEV BOXODIR KAMOLIDDIN O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | SAG‘DULLAYEV MA’RUFJON MUSTAFO O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | XALILOV JAVLON AXMATOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

SHAXS GUVOHNOMASI REPUBLIC OF UZBEKISTAN IDENTITY CARD

UZB



Familiyasi / Surname
RUSTAMOV

Ismi / Given name(s)
TOLIBJON

Otasining ismi / Patronymic
YAZDONOVICH

Tug'ilgan sanasi / Date of birth
13.07.1984

Jinsi / Sex
ERKAK

Berilgan sanasi / Date of issue
19.08.2021

Fuqaroligi / Citizenship
O'ZBEKISTON

Imzosi / Signature

Amal qilish muddati / Date of expiry
18.08.2031

Karta raqami / Card number
AD0584561

AG56264

Shaxsiy raqami / Personal number

31307843920020

Tug'ilgan joyi / Place of birth

KATTAQO'RG'ON TUMANI

Berilgan joyi / Place of issue

IIV 18215

UZB

O'ZBEKISTON

IUUZBAD0584561631307843920020<

8407133M3108181XXXUZB<<<<<<<<8

RUSTAMOV<<TOLIBJON<<<<<<<<<<<<

O’zbekiston Respublikasi Samarqand viloyati
Kattaqo’rgon tuman hokimligi huzuridagi
Tadbirkorlik sub’ektlarini ro’yxatdan o’tkazish
***INSPEKSIYASI***

## Yuridik shaxsni davlat ro’yxatidan o’tkazish to’g’risida
## GUVOHNOMA

Reestrdagi tartib raqami 078 N 1293

"18" ноябр 2008 yil

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs **"MIRAQAS" xususiy firmasiga** Kattaqo’rg’on tuman Tadbirkorlik sub'ektlarini davlat ro’yxatidan o’tkazish inspektsiyasi tomonidan berilgan.

| | |
|---|---|
| | ***TXSH*** |
| 1. Tashkiliy huquqiy shakli | 1010 |
| | ***MShT*** |
| 2. Mulkchilik shakli | 114 |
| | ***MXOBT*** |
| 3. Pochta manzili | 1718215837 |
| | ***KTUT*** |
| 4. Yuridik shaxs kodi | 16504524 |
| | ***XXTUT*** |
| 5. Tarmoq kodi | 62000 |
| | ***STIR*** |
| 6. Soliq to’lovchining identifikatsion raqami | 202143266 |

**Qo’shimcha ma'lumotlar** ____________________

**Vakolatli organ rahbari** ____________________

M.O’.

ИНСПЕКЦИЯ

RUYXATDAN UTKAZILDI
18. 11. 2002 Y
№ 1293

Каттакургон туман хокимлиги
Тадбиркорлик субъектларини руйхатдан
утказиш инспекциясида «18» ноябр 2008
йил № 1293 -реестр раками кайта
«РУЙХАТГА ОЛИНДИ» 11 2008 й
1293

«ТАСДИКЛАЙМАН»
«MIRAQAS»
хусусий фирмаси рахбари

Я.Рустамов

*Самарканд вилояти Каттакургон туман*
***«MIRAQAS»***
*хусусий фирмасининг*
*янги тахрирдаги*

# НИЗОМИ

*Манзили : Узбекистон Республикаси Самарканд вилояти Каттакургон тумани Каттаминг КФЙ*

Каттакургон туман – 2 0 0 8 й

## 1.УМУМИЙ КОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом, Узбекистан Ресггубликасининг «Хусусий фирма тугрисида»ги 2003 йил 11 декабрдаги конун асосида ва бошка меёрий хужжатларга асосан ишлаб чикилди.

1.2. ***Хусусий фирманинг ягона мулкдори ва таъсисчиси Узбекистан Республикаси Самарканд вилояти Каттакургон туман Каттаминг КФЙ Миракас кишлогида истикомат килувчи 30.01.1959 йилда тугилган, Узбекистан Республикаси фукароси (паспорт серияси СЕ 1878360, Самарканд вилояти Каттакургон тумани ИИБ томонидан 13.02.2004 йилда берилган) Рустамов Яздон мазкур Низомда бундан сунг «Таъсисчи» номига эга булиб, «Таъсисчи» деб юритилади.***

1.3. Ушбу Низом Узбекистон Республикасининг Конституцияси асосида амалда булган «Узбекистан Республикасидаги хусусий фирма тугрисида» ги, «Узбекистон Республикасида тадбиркорлик тугрисида» ги, «Узбекистон Республикасидаги Фирмалар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган соликлар тугрисидаги ва бошка Конунларига биноан тузилган булиб, уларга тулик риоя этилади.

1.4 Фирма конун билан таъкикланмайдиган фаолиятни амалга оширишда узига тегишли булган мол-мулкдан фойдаланишда эркин хужалик фаолияти юритишда ва фаолият махсулини таксимлашда мустакил, мол-мулк шаклидан катъий назар, конун олдида тенгдир.

1.5 Фирма конун хужжатларида белгиланган тартибда давлат руйхатидан утказилгандан сунг, юридик шахс лаёкатига эга булади, уз мулкида, хужалик юритишида алохида мол эга булиб уз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб бера олади, уз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукукларга эга була олади, уларни амалга ошира оладиган мажбуриятларни бажара олади, давлат ва бошка банкларда узининг мустакил хисоб китоб ракамига, узининг белгисига, думалок мухрига ва бурчакли тамгасига эгадир.

1.6 Давлат Фирманинг мажбуриятлари буйича, худди шунингдек фирма хам давлат мажбуриятлари буйича жавобгар эмас.

1.7. «MIRAQAS» хусусий фирмаси кейинчалик «Фирма» деб юритилади. фирма Низоми Узбекистон Республикасининг Тадбиркорлик тугрисидаги конунлар асосида ишлаб чикилди.

1.8. Фирма хусусий мулк асосида ишлаб чикариш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириб даромадлар олиш максадида ташкил килинган булиб, тадбиркорлик билан боглик муносабатларни, Тадбиркорлик тугрисидаги конунлар хамда «Тадбиркорлик эркинлигининг кафолатлари тугрисида» ги конунлар билан тартибга солинади.

Фирманинг тулик номи :

**Узбек тилида :** ***<u>«MIRAQAS» хусусий фирмаси</u>***
**Рус тилида:** ***<u>Частное фирма «MIRAQAS»</u>***

1.9 . Фирма директори: ***Рустамов Яздон, Узбекистан Республикаси Самарканд вилояти Каттакургон туман Каттаминг КФЙ Миракас кишлогида истикомат килади.***

***Паспорт серияси СЕ 1878360, Самарканд вилояти Каттакургон тумани ИИБ томонидан 13.02.2004 йилда берилган.***

1.10. Фирманинг фаолият муддати чекланмаган.

1.11. Фирманинг манзилгохи: Самарканд вилояти Каттакургон туман Каттаминг кишлок кенгаши худудида жойлашган.

## 2. ФИРМАНИНГ АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ:

2.1. Фирма куйидаги фаолият турини амалга оширади:

*- Курилиш, йул курилиши, йулларни кайта таъмирлаш ишларини олиб бориш, кайта куриш, безак бериш ишларини амалга ошириш;*

*- Курилиш материаллари ишлаб чикариш ва олиб келиб сотиш*

*- МДХ ва Хорижий мамлакатлардан Узбекистон Республикаси конунчилигида курсатилган меъёрларни бузмаган холда, Республика худудига хорижда ва МДХда ишлаб чикарилган хар хил курилиш материаллари, курилишда ишлатиладиган курилиш аксесуарлари, безак материаллари ва бошка курилиш материалларини олиб келади ва уларни савдосини хамда савдо ярмаркаларини ташкил этади.* ***(рухсатнома асосида)***

*- Ахолига ва ташкилотларга пуллик транспорт хизмати курсатиш, жумладан йуловчи ташиш, Узбекистон Республикаси худудида, Россия ва МДХ давлатларига юк ташиш ва бошка транспорт хизматларини курсатади. (рухсатнома асосида);*

*- Автотранспорт воситаларига техник хизмат курсатувчи сервис марказлари ташкил этиш, хар хил турдаги автомобиллар эхтиёт кисмлари билан чакана ва улгуржи савдо килувчи дуконлар ва омборхоналар ташкил этиш ;*

*- автотранспорт воситаларини сотиб олиш ва сотиш;*

*- давлатлараро ва вилоятлараро катновчи автомашиналарнинг тухташ жойи хамда улар хайдовчиларининг дам олиш жойи (автостоянка)ни ташкил этиш;*

*- Россия ва МДХ мамлакатлари, хориж давлатларидан* ***(пул кучириш, бартер, товар алмашиш йули билан)*** *курилиш материллари, автотранспорт воситалари, кишлок хужалик техникалари, оргтехника, компютерлар ва бошка мураккаб офис техникалари, аудио видео аппаратуралар, халк хужалиги моллари, халк истеъмоли моллари ва Узбекистон Республикаси конунчилигида такикланмаган бошка махсулот хамда товарлар олиб келиб уз савдо шахобчалари оркали улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш ;* ***(рухсатнома асосида)***

*- Компютер хизмати, Интернет клублар ташкил этиш, Укув марказлари ташкил этиш, компьютер ишларини бажариш матн ёзиш компьютерда хисоботлар тайёрлаш, диск нусхалари кучириш, диск ижараси, Компютер ва оргтехникларни таъмирлаш, олиб келиб сотиш, эхтиёт кисмлар олиб келиб сотиш ва сервис хизмати.*

*- Узбекистон Республикасида диллерлик фаолияти билан шугулланиш (жумладан Уяли алока компанияларининг экспресс карточкаларини сотиш, Пайнет хизмати, уяли телефонлар савдоси, сервис хизмати, тузатиш ва бошка хизматлар;*

*- Улгуржи ва чакана савдо фаолияти (рухсатнома асосида)*

*- Озик-овкат махсулотлари сотиш шахобчалари, дуконлари, универмаглари, савдо расталари ташкил этиш хамда чакан ва улгуржи савдосини амалга ошириш*

*- Умумий овкатланишнинг барча турдаги фаолиятларини амалга ошириш; (жумладан миллий таомлар сомса, шашлык хамда бошка турдаги европ таомларини тайёрлаб сотиш)*

*- яхна ичимликлар ва алкогол ичимликлар савдоси (рухсатнома асосида);*

*- Кишлок хужалик техникаларига хизмат курсатиш; таъмирлаш ва материал техника эхтиёт кисмлар билан таъминлаш, ширкат ва фермер хужаликларига механизация хизмати ва бошка хизматлар курсатиш ва таъмирлаш устахоналаридан иборат;*

***Фирма Узбекистон Республикасининг харакатдаги конунларида такикланмаган ва конунчилик билан чегараланмаган бошка фаолият турлари билан шугулланиш хукукига эга.***

2.2 Фирма фаолият доираларини олиб бориш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб килинса у холда белгиланган тартибда тегишли давлат хокимияти ва ваколатли органлари идораларидан махсус рухсатнома (лицензия) олган холда уз фаолиятини олиб боради.

3. ФИРМАНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

3.1 Фирма уз номидан шартномалар, контрактлар – тузишга, мулкий ва мулкий булмаган хукукга эта булиши, судда ва хужалик судида даъвогар, жавобгар ёки учинчи шахс сифатида катнашиши мумкин;

3.2 Фирма уз мулккга нисбатан Узбекистон Республикаси конунчилиги билан таъкикланмаган хар кандай харакатни амалга ошириши мумкин.

3.3 Фирма ишлаб чикариш, тижорат ва юридик мустакилликка, узинииг балансига ва уз-узини молиявий бошкариш хукукига эга;

3.4 Фирма уз фаолияти махсулини шартнома асосида белгиланадиган нархлар ва тарифлар буйича тасаруф этади.

3.5 Фирма белгиланган шакллар буйича статистик ва опиратив бухгалтерия хисоботини юритади.

3.6 Фирма Узбекистон Республикаси фукаролик кодекси ва бошка конунларда курсатилган жавобгарлик буйича жавоб беради, хукук, имтиёзлар, мажбуриятлардан тулик фойдаланади.

3.7 Фирма молиявий ва хужалик фаолиятини текшириш, Узбекистон Республикаси конун, конун ости хужжатлар билан зиммасига текшириш функцияларини бажариш юкланган, солик, аудитор ва аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

3.8 Фирма конунда курсатилган асосларга биноан иктисодий савдо иштирокчиси булиши, экспорт – импорт, савдо воситачилиги ва савдо харид фаолиятини амалга ошириш хукукига эга.

3.9 Фирма Узбекистон Республикасида, чет элда кушма Фирмалар, кичик, шуьба Фирмалар, ваколатхоналар, савдо уйлари очиши ва таъсисчи булиши мумкин.

3.10 Фирма амалдаги конунчилик билан урнатилган тартибда муомаладаги эркин валюта, бошка валютталар билан савдо – сотик ишларини амалга ошириш эркин валюта биржаларида, кимматли когозлар биржаларида, ким ошди савдоларига катнашиши ва уларни сотиб олиши ва сотиш хукукига эга

3.11. Хориж ва МДХ давлатлари билан биргаликда кушма Фирмалар тузишда катнашиш, хукукий ва жисмоний шахслари билан биргаликда халкаро бирлашмалар хамда ташкилотларга катншашиш хукукига эга.

## 4. ФИРМАНИ БОШКАРУВИ:

4.1. Фирманинг энг юкори органи таъсисчи булиб, Фирмага тезкор рахбарликни Фирма директори амалга оширади. Фирма директори таъсисчи томонидан маълум мухлатга контракт (шартнома) асосида тайинланади.Фирма таьсисчиси Фирма Директорини, агар у уз фаолиятида Узбекистон Республикасининг конун ва ушбу Низом талабларини купол равишда бузилишига йул куйса, муддатдан олдин контракт(щартнома)ни бекор килишга хаклидир.Таъсисчининг узи хам Фирмага Директор була олади.

4.2. Фирма Директори таъсисчи билан келишган холда Фирма бошкарув аппаратининг штат жадвалини тасдиклайди ва ишчи ходимларни, хизматчиларни контракт (шартнома) асосида ишга ёллайди, хамда улар контракти(шартномаси)да курсатилган мажбуриятларига амал килмасалар ушбу контракт(шартома)ни бекор килади.

4.3. Фирма Директори куйидаги ваколатларга эга:
- Фирма фаолиятига тезкор рахбарлик килади;
- Фирма мулкига эгалик килиш, мулкни ва маблагни таксимлаш, улардан окилона фойдаланиш;
- Фирма номидан ишонч когозисиз Фирмава ташкилотларда, судда, хужалик судида ва хакамлар судида иш куриш;
- Фирма фаолияти билан боглик булган буйрук ва фармоишлар чикариш;
- Фирма ишчи хизматчиларининг ишини ташкил этиш;
- Фирмага ёлланма ишчи ва ходимларни ишга кабул килиш хакида уларни ишдан бушатиш, уларга мехнатга хак тулаш микдорини белгилаш, уларни рагбатлантириш чораларини куриш ва мехнат контракти(шартномаси)га амал килмаслик хамда мехнат интизомини бузгани учун уларни интизомий жавобгарликка-тортиш;
- Фирма максадларини амалга ошириш учун Узбекистон Республикасининг конунларига зид булмаган бошка харажатларни хам бажариш.

Фирма таъсисчисининг карорлари, директорнинг буйрук хамда фармойишлари ишчи ва хизматчилар учун бажарилиши мажбурийдир.

## 5. ФИРМАНИНГ МУЛКИ ВА МАБЛАГЛАРИ:

5.1 Фирманинг мулкини асосий ва айланма маблаглар, шунингдек киймати Фирманинг мустакил балансида акс эттирилган бошка бойликлар ташкил этади.

5.2 Фирма ва таъсисчи уз мулкига нисбатан Узбекистон Республикасида конунчилик билан зид булмаган хар кандай харакатни амалга ошириши мумкин.

5.3 Фирма мулкни манбаларини куйидагилар ташкил этади:
- таъсисчининг мулк ва моддий бадаллари;
- махсулот сотиш, хужалик фаолияти, иш, хизмат, шунингдек бошка турдаги фаолиятдан олинадиган фойдалар;
- Фирма ходимларининг таъсисчи билан келишган холда Низом ва айланма фондга киритган пул ва товар-моддий бойликлари;
- Узбекистон Республикаси конунчилиги билан таькикланмаган бошка манбаалар.

5.4 Фирманинг фаолиятини таъминлаш учун таъсисчи томонидан бошлангич низом маблаги ***500 000 (Беш юз минг)*** сум пул ва товар моддий бойликлар, бино- иншоотлар хамда кучмас мулк шаклида шакллантирилади.

5.5 Фирманинг маблаглари банкларда сакланади. Фирмадан барча мажбурий туловларни коплаш суммаси чегирилгандан сунг колган даромад таъсисчининг тадбиркорлик даромадлари хисобланади ва таъсисчи мулкий ва мулкий булмаган шаклда олишлари ва уз ихтиёри буйича тассаруф этиш хукукига эга.

5.6 Фирма ходимлари билан келишган холда, хохлаган вактида Фирма Низом ёки айланма маблагига кушган уз хиссасини пул ёки товар шаклида кайтариб олиш хукукига эга.

5.7 Фирманинг хужалик фаолиятини Тула хужалик хисобида амалга оширади.

## 6. ИШЛАБ - ЧИКАРИШ ХУЖАЛИК МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ ВА МЕХНАТГА ХАК ТУЛАШ:

6.1. Фирма хужалик ишларини мустакил, равишда олиб боради, у узининг келгуси ривожланишини бозор иктисодий сиёсатидлан келиб чиккан холда белгилайди. У уз масхулотларини фукаролар ва хукукий шахсларга накд пул ёки пул утказиш йули билан хисоб-китоб килади. Соликлар ва бошка туловлардан ташкари даромадга эгалик килади.

6.2. Фирма буюртмаларни давлат ва шартнома нархларда бажаради.

6.3. Фирманинг хужалки иктисодий фаолиятини натижасида тушган даромад хар йилнинг охирида давлат бюджетига кетган суммани чикариш, банк ва бошка карз берувчилар билан хисоб-китоб, устав фондида курсатилган шакллантириш ва бажаришга кетган харажатлардан ташкари устав ва таъсис шартномасида курсатилган холда катнашчилар орасида булинади.

6.4. Фирма таъсисчисининг карорига кура куйидаги фондларни ташкил килиш мумкин:

- Ишлаб чикариш ва ижтимоий ривожлантиришни шакллантириш;
- Мехнатга хак тулаш ва моддий рагбатлантириш;
- Мукофот фонди;
- Захира фонди;
- Фирма иш фаолиятини ошириш учун бошка фондлар;

6.5. Мехнатга хак тулаш фонди, ижтимоий ривожланиш фонди хар йили таъсисчи томонидан даромаддан ажратиш меъёри аникланади. Бундан ажратилган маблаг суммаси мехнатга хак тулаш ва ижтимоий ривожланиш фондлари фирма томонидан ёлланиб ишловчилар ва коллектив шартномада курсатилган мажбуриятларни бажарилишини таъминлаши керак.

6.6. Захира фондига маблаг ажратиш хар йили устав фондининг 15 % га етганда килинади. Агар захира фонди тулигича ёки кисман харажат булса мажбурий равишда маблаг ажратилади.

6.7. Фирма Узбекистон Республикасининг мехнат тугрисидаги конун хужжатлари асосида ички мехнат тартиби коидаларини белгилайди ва мехнат хавфсизлиги, санитария ва гигиенаси талабларига, риоя килишни талаб килади.

6.8. Фирмада ишлаган ишчи ва хизматчиларнинг мехнати мехнат дафтарчасига ёзилади ва тулик мехнат стажига киради.

6.9. Фирма Узбекистон Республикаси конунчилигига мувофик ижтимоий ва тиббий сугурта хамда ижтимоий максадда социал таъминот жамгармаларига ажратмалар ажратади ва утказади.

6.10. Фирма ёлланиб ишлаётган шахслар мехнатига шартнома ёки контрактда курсатиб утилган хак тулашда давлат томонидан урнатилган энг кам иш хаки микдоридан кам иш хаки тулланишига йул куймайди.

6.11. Фирмада мехнат низолари Узбекистон Республикаси конунчилигига мувофик хал килинади.

6.12. Фирмада ходимларга тунги сменада ишлаганлиги ёки вазифаларини хал килиш максадида хизмат сафарида булганлиги учун кушимча маош ёки маошга устама туланади.

## 7. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ВА УНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ:

7.1 Рахбар ва Фирманинг молиявий-хужалик фаолияти устидан назоратни, таъсисчи томонидан 3 йил муддатга ва 3 кисмдан иборат тафтиш комиссияси амалга оширади. Таъсисчи ва маъмурият аъзолари тафтиш комиссиясига аъзо булишлари мумкин эмас.

7.2 Тафтиш комиссияси Фирманинг мансабдор шахсларидан тегишли ёки зарур булган хужжатларни хисоб китоб хужжатларини ва бошка керакли маълумотларни талаб килиб олиш хукукига эга.

7.3 Тафтиш комиссияси йилига бир маротабадан кам булмаган тафтиш ишларини амалга оширади ва натижасини-таъсисчига йуллайди. Тафтиш комиссияси йиллик хисоботлар ва баланслар юзасидан уз хулосасини ёзма равишда беради. Фирма таъсисчиси Фирманинг балансини ана шундай хулосасиз тасдиклаши мумкин эмас.

7.4 Тафтиш комиссияси, башарти Фирманинг мухим манфаатлари учун хавф юзага келган ёки жамиятнинг мансабдор шахслари суистеъмоллик килганлиги аникланган такдирда, катнашчиларнинг навбатдан ташкари йигилишини чакиришни талаб килиши шарт.

## 8. ДАВЛАТ КАФОЛАТЛАРИ:

8.1 Давлат Фирманинг хукукларига ва конуний манфаатларига риоя килишни кафолатлайди, эркин халол ракобат учун шароит яратади, моддий-ашёвий, мехнат, ахборот ва бошка ресурсларни олишда, бу ресурсларни бозорда монополия килинишига йул куймайди, тенг имкониятларни таъминлайди.

8.2 Давлат ва бошка органлар томонидан унинг ваколатига ёки конунчилик талабларига мувофик келмайдиган хужжат чикарилиши натижасида Фирманинг хукуки бузилса, у бундай хужжатни конуний кучга эга эмас деб эътироф этиш тугрисида ариза билан судга мурожаат килиши мумкин.

8.3 Давлат ёки бошка органларнинг ёки мансабдор шахсларнинг Фирманинг хукукини бузувчи курсатмаларни бажарилиши натижасида фермага етказилган зарар шу органлар томонидан,бунга бой берилган фойдани хам киритиб копланиши мумкин.

## 9. ФИРМАНИНГ КУШИЛИШИ, КАЙТА ТУЗИЛИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ:

9.1 Фирма таъсисчининг карори билан кайта ташкил этилиши, (кушиб юборилиши кушиб олиши, булиш, ажралиб чикиш) узгартириши мумкин.

Фирма бошка юридик шахсга кушиб олиш шаклида кайта ташкил этилганда кушиб олинган юридик шахснинг фаолияти тухтатилганлиги хакидаги ёзув Фирманинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб Фирма кайта ташкил этилган хисобланади.

9.2 Фирма кушиб юборилганида, булинганда, бошка турга айлантирилганда улардан хар бирининг хукуки ва мажбурий бурчлар топшириш хужжатларига мувофик янгидан вужудга келган юридик шахсга утади.

Фирма кушиб юборилганда, булинганда, бошка турга айлатирилганда узининг кредиторларига ёзма равишда хабардор килиши шарт.

9.3 Фирма таъсисчининг, суд ва хужалик судининг карори билан тугатилиши мумкин. Фирма таъсисчи Фирмани тугатиши хакида карор кабул килганда дархол давлат руйхатидан угказувчи органга ёзма равишда хабар бериши шарт.

Фирма тугатилганда, амалдаги конун талабларига мувофик тугатув комиссияси тузилади, тугатиш тартиби ва муддатлари белгиланади. Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан бошлаб Фирманинг ишларини бошкариш сохасидаги ваколатлар унинг ихтиёрига утади. Тугатиш коммисияси Фирма номидан судда иштирок этади.

9.4 Тугатиш комиссияси Фирманинг давлат руйхатидан угказиш хакидаги маълумотлар босиб чикариладиган матбуот органларида юридик шахснинг тугатилиши хамда унинг кредиторлар томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати хакида хабар, эълон килади. Тугатиш комиссияси кредиторларни аниклаш ва дебиторлик карзини олиш чораларини куради, Фирманинг тугатилиши хакида ёзма равишда хабардор килади.

9.5 Фирма бюджет ташкилотларни куйган талабларини кондирганидан сунг мол-мулкига ва маблагни колган кисми таъсисчининг тадбиркорлик даромади хисобланади, таъсисчи даромадни мулкий ва мулкий булмаган формада уз хохиши буйича тассаруф этиш хукукига эга.

9.6 Фирма тугатилиши хакидаги ёзув ягона давлат реестрига киркилиб куйилгандан сунг Фирма тамомланган, фаолияти эса тугатилган хисобланади.

9.7 Фирманинг кушилиши, кайта тузилиши, тугатилиши билан боглик харажатлар, унинг маблаглари хисобидан копланади

**Фирма рахбари** /____________/ ***Я.Рустамов***